

Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража

Меҳмондўстлик

соҳаси бўйича

Малакалар

5-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги хизмат
кўрсатиш кўникмалари

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96368 5

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	1
5-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	9
Дарс режаси	31

Кириш

Ушбу ресурс буклети Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс буклети сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ресурс буклети сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинadиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари.

Ушбу ресурс буклетидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олинishi лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

5-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади ўқувчиларга меҳмондўстлик соҳасида самарали ишлаш учун билим ва кўникмалар беришдир. Улар ресепшн, консьерж, озиқ-овқат ва ичимликлар, шунингдек хоналарни тозалаш учун зарур бўлган техник кўникмаларни ривожлантирадilar.

А ўқитиш мақсади, меҳмондўстлик соҳасида хизмат кўрсатишнинг асосий соҳаларига қаратилган. Ўқувчилар ушбу соҳаларда ходимлар фойдаланиши керак бўлган турли хизмат кўрсатиш соҳалари ва кўникмаларни ўрганадилар. Ўқувчилар, шунингдек, умумий хизмат кўрсатиш кўникмаларини тушунишни ривожлантирадilar.

Б ўқитиш мақсади, тўртта асосий хизмат кўрсатиш соҳасида хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган тайёргарликка қаратилган: ресепшн, консьерж, озиқ-овқат ва ичимликлар ва хоналарни тозалаш. Ўқувчилар хизмат кўрсатишга тайёр бўлишдан олдин мижозларнинг эҳтиёжларини ва компаниянинг стандарт иш тартибларини тушунишлари керак.

С ўқитиш мақсади, ресепшнда хизмат кўрсатадиган, консьерж иши, озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасида, шунингдек, керакли бизнес стандартига қадар хоналарни тозалаётган ўқувчиларга қаратилган. Улар, шунингдек, фаолиятлари бўйича шарҳни юргизадilar.

Ўқувчилар қуйидаги имкониятларга эга бўлишлари керак:

- турли соҳаларда хизмат кўрсатиш қобилиятининг аҳамияти ҳақида гапириб бера оладиган меҳмонхона бизнесидан таклиф этилган спикерга;
- амалий иш учун ҳақиқий ўқув муҳитига ёки моделлаштирилган майдонга;
- турли хил хизмат кўрсатиш кўникмаларини ҳаётда кўришлари учун меҳмонхона бизнесига ташриф буюриш;
- интернетга;
- баҳолаш учун ишчи дафтарга.

Модулнинг бошланиши

Модулнинг бошланиши – бу мазкур модулни ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

5-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари

Кириш

Ушбу модул меҳмонхонада тўртта асосий хизмат кўрсатиш соҳаси ҳақида: ресепшн, консъерж, озиқ-овқат ва ичимликлар ва хоналарни тозалаш. Ўқувчилар, меҳмондўстлик соҳаси учун зарур бўлган умумий кўникмаларни, шунингдек, ушбу тўртта соҳада талаб қилинадиган ноёб хизмат қобилиятларини ўрганадилар. Улар муваффақиятли хизмат кўрсатишни таъминлаш учун зарур бўлган тайёргарлик ва ушбу тўртта соҳада мижозларга хизмат кўрсатиш учун муҳим бўлган кўникмаларга ўқитилади. Кейинчалик, бу маълумот тўртта турли хизмат кўрсатиш соҳасига қўлланилади ва ўқувчилар уларнинг самарадорлигини баҳолаб, такомиллаштириш бўйича тавсиялар беришади.

А ўқитиш мақсади – Меҳмондўстлик соҳасида хизмат кўрсатиш доираларини ўрганиш

Ўқувчилар тўрт хил хизмат кўрсатиш соҳаси – ресепшн, консъерж, озиқ-овқат ва ичимликлар, хоналарни тозалашнинг мақсади ва ушбу соҳаларнинг ҳар бирида зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш кўникмалари, бундан ташқари, мижозларга самарали хизмат кўрсатишни таъминлаш учун муҳим бўлган умумий хизмат кўникмалари билан танишишлари керак.

- Ушбу модулда қамраб олиннадиган тўртта хизмат кўрсатиш соҳаси билан танишиб чиқинг. Ўқувчиларга ушбу тўрт соҳанинг истеъмолчи билан алоқа қилишида қандай муҳим рол ўйнашини тушунтириб беринг.
- Ўқувчилар ушбу тўртта соҳада зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш кўникмаларни таклиф қилиб, кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин. Кейин, улар ўз таклифлари билан бутун гуруҳга мурожаат қилишлари мумкин, шундан сўнг бу ғоялар ўқитувчининг ушбу тўртта соҳада зарур бўлган хизмат кўрсатиш кўникмалари ва улар бир-биридан қандай фарқ қилишлари ҳақида тақдимот билан кенгайтирилиши мумкин.
- Меҳмонхонадан таклиф этилган спикер ўқувчиларга хизмат кўрсатиш кўникмалари ва меҳмонхонада бўлиш вақтида тажрибали меҳмонлар учун уларнинг аҳамияти ҳақида гапириб бериши мумкин. Агар керак бўлса, ушбу фаолиятни амалга оширишингиз ёки тўлдиршингиз мумкин. Ўқувчилар, кейинчалик, тушунишлари учун бу тўртта алоҳида ишчи роли ҳақида таклиф этилган спикерга саволлар беришлари керак.

5-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари

- Ҳар бир соҳанинг билим ва равшанлигини таъминлаш учун тўртта соҳанинг ҳар бирини, ҳар хил дарсларда қамраб олишингиз керак бўлади. Шу билан бирга, ресепшн ва консьерж соҳалари бир дарсда ўрганилиши мумкин, ўқувчилар бу икки соҳа ўртасида ва уларнинг хизмат кўрсатиш кўникмаларида кесишганлигини тушунишларини кафолатлаш учун.
- Ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳаси учун зарур бўлган кўникмаларни, шунингдек, меҳмондўстлик соҳасида хизмат қилиш учун зарур бўлган умумий хизмат кўникмаларини тушунтириб, тақдимотлар тайёрлашингиз керак бўлади.
- Ўқувчилар модул билан боғлиқ бўлган тўртта хизмат кўрсатиш соҳаси бўйлаб экскурсия қилишлари керак, шунда улар ушбу модулнинг амалий қисми учун фойдаланадиган шу йўналишдаги хизмат кўрсатиш ва ускуналар ҳақида тушунчага эга бўлишади.
- Ўқувчилар ҳар бир хизмат кўникмасини (ресепшн, консьерж, озиқ-овқат хизмати ва ичимликлар, хоналарни тозалаш) қамраб оладиган меҳмонхонада турли жойларни аниқлаш учун мўлжалланган, сиз томондан ишлаб чиқилган ишчи варақаларни тўлдиришлари мумкин.
- Ўқувчилар кейинчалик ресепшн, консьерж иши, озиқ-овқат ва ичимликлар хизмати ва хоналарни тозалаш учун зарур бўлган турли хил кўникмаларни ёритувчи диаграммаларни тузишлари мумкин, сўнгра улар қандай қилиб ўзаро боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатиб, умумий хизмат кўрсатиш кўникмаларига ўтишлари мумкин.
- Ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳаси учун топшириқни бажаришдан олдин ўқувчиларга саволлар беришга имкон яратган ҳолда, ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳасини такрорланг.

В ўқитиш мақсади - Профессионал даражада хизмат кўрсатишга тайёрланиш

Ўқувчилар стандарт мавжуд иш тартиб-қоидаларига мувофиқ ресепшн, консьерж, озиқ-овқат ва ичимликлар хизмати доирасида хизмат кўрсатиш, хоналарни тозалаш доирасида хизмат кўрсатишга тайёргарлик кўришади.

- Тўрт соҳанинг ҳар бири учун:
 - ушбу соҳада ишлаш учун зарур бўлган амалий машғулотларни, шу жумладан, стандарт тезкор процедураларни муҳокама қилиш. Ўқувчиларни ушбу соҳа учун зарур бўлган ҳужжатлар билан таништиринг.
 - ўқувчилар стандарт иш тартиб-қоидаларига риоя қилишни таъминлаган ҳолда, ушбу соҳа учун ҳужжатларни тўлдиришда амалиёт қилиб, жуфтликларда ишлашлари мумкин.

5-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари

- сиз ўқувчиларга ушбу соҳада қандай ишлашни, шу жумладан, хизмат кўрсатишга тайёргарлик кўришни амалий намойиш қилишингиз керак. Ўқувчиларни ушбу жараён ҳақида саволлар беришга унданг.
- ўқувчилар сизнинг ёрдамингиз билан тегишли соҳа кўникмалари амалиётини қилган ҳолда уларни кутилгандек амалга оширишни таъминлаш учун ушбу соҳада ишлаш имкониятига эга бўлишлари керак.

С ўқитиш мақсади – Хизмат кўрсатиш бўйича самарали ишчи кўникмаларини таҳлил қилиш ва кўрсатиш

- Ўқувчилар тўртта хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича ишлаш амалиётини олиб борадилар ва кейин ҳар бир соҳа бўйича якуний баҳолашни якунлайдилар. Ўқувчилар такомиллаштириш бўйича таклифларни киритган ҳолда, ўзларининг ишларини акс эттирувчи ҳисобот ёзишлари керак.
- Ўқувчиларга тўртта хизмат кўрсатиш соҳасида юзага келиши мумкин бўлган турли хил хизмат эҳтиёжлари билан шуғулланиш учун ва уларни рағбатлантириш учун ролли ўйинлар ва машқлар сценарийларини тақдим этишингиз керак. Ўқувчилар ресепшнда, консьержда, озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасида, хоналарни тозалашда хизмат кўрсатиш кўникмаларини олиш учун стандарт операцион тартиб-қоидаларга риоя қилишлари ва ишончни ривожлантиришларини кафолатлаш ва сценарийлар бўйича турли ролларни ўйнаш орқали кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.
- Сиз тўрт хил хизмат кўрсатиш соҳаларини, ҳамда уларнинг ҳар бири учун зарур бўлган тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш кўникмаларини санаб ўтишингиз мумкин. Ўқувчилар ушбу кўникмаларни ва зарур иш стандартларини тушуниш учун ҳамма нарсани аниқлаштириш учун саволлар беришлари мумкин. Бундан ташқари, алоҳида-алоҳида тўлдириладиган ўқувчилар учун иш варақаларини тузишингиз мумкин.
- Ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтарида берилган топшириқни бажаришлари керак, бунда ҳар бир соҳада ресепшн, консьерж, озиқ-овқат ва ичимликлар хизмати, хоналарни тозалашда ҳар бир ўқувчининг батафсил кузатувини амалга оширишингиз керак бўлади.
- Ўқувчилар ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўз ишларини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун такомиллаштириш бўйича таклифларни кўрсатган ҳолда, баҳолаш учун ишчи дафтардан фойдаланиб, алоҳида ишлашлари керак. Ҳар бир ўқувчига ўз ишларини қўллаб-қувватлашга ёрдам берадиган, тўлдирилган кузатув ёзувини тақдим этишингиз керак.

ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

- 1 – модул: Меҳмондўстлик соҳасига кириш
- 2 – модул: Меҳмондўстлик соҳасида жамоа билан ишлаш
- 4 – модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш
- 9 – модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона
- 10 – модул: Меҳмондўстлик соҳасида иш жойидаги кўникмалар
- 11 – модул: Иш тажрибаси

Ресурсларга талаблар

Ресепшн ва консъерж кўникмаларининг хизмат кўрсатиши учун сизга қуйидагилар зарур бўлади:

- тезкор рўйхатга олиш пештахтаси ёки ресепшн хизмати зонасини моделлаштириш;
- бэк-офис ресепшни ёки моделлаштириш зонаси;
- компьютер, бронлаш китоби, мижозлар журналлари, телефон ва ресепшн ҳужжатлари, шунингдек, иш юритиш жиҳозлари.

Бу эса ўқувчиларга меҳмонхонада яшаётган ёки меҳмонхона ҳақида ўз сўрови билан мурожаат қилган мижозлар эҳтиёжларини қондириш ва бронлаш циклини яқунлаш учун зарур бўлган меҳмонхона жиҳозларидан фойдаланиш имконини беради. Ресурслар ўқувчиларга тегишли хизмат кўрсатиш кўникмаларини намоиш этиш имконини беради.

Озиқ-овқат ва ичимликлар учун хизмат кўрсатиш кўникмаларини ўрганиш ресторан жиҳозларини ёки ресторанларда турли хил хизмат турларини яратиш учун зарур бўлган столлар, овқатланиш анжомлари, идишларга эга бўлган моделлаштирилган майдонни талаб қилади. Майдон моделлаштирилган ёки табиий ўқув муҳити бўлиши мумкин, аммо у ўқувчилар тегишли хизмат кўрсатиш кўникмаларини намоиш этишлари учун меҳмонхонада озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасидаги ходимлар ишлайдиган қисмини акс эттириши керак.

Хоналар тозалаш кўникмаларини ўргатиш, меҳмонхона ётоқхонаси, ҳожатхона ва вестибюллар (тозалаш керак бўлган умумий жойлар), тозалаш воситалари ва ускуналар, ётар-жой буюмлари ва ҳожатхона воситалари талаб қилинади. Хизмат кўрсатиш жойлари моделлаштирилиши ёки табиий таълим муҳити бўлиши мумкин, аммо улар ўқувчиларнинг тегишли хизмат кўрсатиш қобилиятларини намойиш этиш кафолатини ҳисобга олган ҳолда, меҳмонхонада ходимлар ишлайдиган тегишли соҳаларни акс эттириши керак.

Pearson ҳар қандай ташқи Интернет сайтларининг мазмуни учун жавобгар эмас. Ўқитувчилар синфда уларни ишлатишдан олдин URL-манзил ҳали ҳам тўғри, долзарб ва ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар бир веб-сайтни олдиндан кўришлари керак. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифа ҳаволага қўйиш ва ўқувчиларга мактаб/коллеж интернет тармоғи орқали уларга киришни таклиф этишга маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	5-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	20
Дарсларнинг давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	<ul style="list-style-type: none"> • 1 – модул: Меҳмондўстлик соҳасига кириш • 2 – модул: Меҳмондўстлик соҳасида жамоа билан ишлаш • 4 – модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш • 9 – модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона • 10 – модул: Меҳмондўстлик соҳасида иш жойидаги кўникмалар • 11 – модул: Иш тажрибаси.

Ўрганиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқтиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	<p>A1 Хизмат кўрсатишда турли соҳаларнинг вазибалари</p> <p>A2 Хизмат кўрсатишнинг турли кўникмалари</p> <p>A3 Хизмат кўрсатиш умумий кўникмалари</p> <p>Меҳмондўстликда зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш кўникмаларини ўрганинг</p>	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: модулни тақдим этинг ва ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасида турли хизмат кўрсатиш соҳалари ҳақида қуйидагиларни билиб олишини тушунтиринг: <ul style="list-style-type: none"> ○ ресепшн; ○ консьерж; ○ озиқ-овқат ва ичимликлар хизмати; ○ хоналарни тозалаш. • Ўқувчилар ўзларининг хизмат қобилиятларини ривожлантириш учун тўрт хил соҳада ишлашларини тушунтиринг. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасида умумий хизмат кўрсатиш кўникмалари сифатида қабул қилган нарсаларни муҳокама қилишади. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: меҳмондўстлик соҳасида турли хил хизмат кўрсатиш соҳалари ҳақида ўқитувчининг тақдимоти. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар ҳар бир соҳада зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш кўникмаларини таклиф қилиш учун жуфтликда ишлашлари керак. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар тўртта соҳада турли хил хизмат кўникмаларини муҳокама қилишади. 	<ul style="list-style-type: none"> • Модул таркиби • Баҳолаш учун иш дафтарлари • Ручка, флип-чарт қоғозлари, стикерлар • Таклиф этилган спикер

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Таклиф этилган спикернинг тақдимоти/ ўқитувчининг раҳбарлиги остида: ҳар бир соҳада талаб қилинадиган хизмат кўрсатиш кўникмалари ва меҳмондўстлик соҳасида хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларини тақдим этиш/муҳокама қилиш. • Якун: таклиф этилган маърузачи билан савол-жавоб сессияси – ўқувчиларга меҳмондўстлик соҳасида турли хизмат кўрсатиш соҳаларида зарур бўлган турли хил хизмат кўникмалари ҳақида саволлар бериш имконияти. 	
2	<p>A1 Хизмат кўрсатишда турли соҳаларнинг вазифалари</p> <p>A2 Хизмат кўрсатишнинг турли кўникмалари</p> <p>A3 Хизмат кўрсатиш умумий кўникмалари</p> <p>Ресепшн ва консъерж учун хизмат кўрсатиш кўникмаларини ўрганинг</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: меҳмондўстлик соҳасида хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларида савол-жавоб сессиясини ўтказинг ва аввалги дарсни такрорланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Ресепшн ва консъерж ўртасидаги фарқни тушунтиринг. • Гуруҳлардаги машқ: ўқувчилар ушбу икки алоҳида хизмат соҳасининг вазифаларини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ўқувчиларга ресепшн ва консъерж жойлари ва фойдаланадиган асбоб-ускуналар билан танишиш учун экскурсия тақдим этинг. • Кичик гуруҳларда машқ: қабул қилиш ва консъерж хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги фарқни аниқлаб туриб кейинчалик ўқувчилар ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган ишчи варақни бажаришлари мумкин. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимоти • Ручкалар, флип-чарт қоғозлари • Қоғоз ва умумий канцелярия жиҳозлари • Стикерлар • Ресепшн ва консъерж хизмат кўрсатиш жойлари • Ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган иш варақлари

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ишчи варақнинг тўғри жавобларини бериб, гуруҳ билан қайта алоқани олиб бориш. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар, қабул қилиш ва консъерж учун зарур бўлган турли хил хизмат кўникмаларини муҳокама қилишади. • Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот: ресепшн ва консъерж учун зарур бўлган турли хил хизмат кўникмаларини тушунтиринг. • Кичик гуруҳларда машқ: ўқувчилар ресепшн ва консъерж учун зарур бўлган турли хил хизмат кўникмаларини кўрсатадиган Венн диаграммасини тузишлари керак. • Якун: ўқувчилар Венн диаграммаларини гуруҳнинг қолган қисмига, ўқитувчининг фикр-мулоҳазалари билан тақдим этишлари керак. 	
3	<p>A1 Хизмат кўрсатишда турли соҳаларнинг вазифалари</p> <p>A2 Хизмат кўрсатишнинг турли кўникмалари</p> <p>A3 Хизмат кўрсатиш умумий кўникмалари</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ресепшн учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари ва кўникмаларини такрорланг (ва умумий хизмат кўникмаларини). • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ресепшнда зарур бўлган хизмат кўникмаларини тушуниш учун ўқувчилар билан савол-жавоб сессиясини ўтказинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • баҳолаш учун иш дафтарининг 1 – вазифаси: ресепшн • Ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган иш варақлари

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	А ўқитиш мақсади – баҳолаш учун иш дафтارينинг 1 вазифаси – ресепшн		<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигида машқ / муҳокама: баҳолаш учун иш дафтارينинг 1-вазифаси – ресепшнни тарқатинг ва ўқувчилар тушунишини таъминланг. • Мустақил бажариш учун машқ: <ul style="list-style-type: none"> ○ ўқувчилар ресепшн варақларни тўлдиришади. ○ ўқувчилар баҳолаш учун ишни топширишади. • Якун: ўқувчилар билан консъерж хизмат кўрсатиш кўникмаларини такрорланг. 	
4	<p>A1 Хизмат кўрсатишда турли соҳаларнинг вазифалари</p> <p>A2 Хизмат кўрсатишнинг турли кўникмалари</p> <p>A3 Хизмат кўрсатиш умумий кўникмалари</p> <p>А ўқитиш мақсади – баҳолаш учун иш дафтارينинг 1 – вазифаси – консъерж</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: консъерж учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари ва кўникмаларини такрорланг (ва умумий хизмат кўникмаларини). • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: консъержда зарур бўлган хизмат кўникмаларини тушуниш учун ўқувчилар билан савол-жавоб сессиясини ўтказинг. • Ўқитувчи бошчилигида машқ / муҳокама: баҳолаш учун иш дафтارينинг 1-вазифаси – консъержни тарқатинг ва ўқувчилар тушунишини таъминланг. • Мустақил бажариш учун машқ: <ul style="list-style-type: none"> ○ ўқувчилар консъерж варақларни тўлдиришади. ○ ўқувчилар баҳолаш учун ишни топширишади. 	<ul style="list-style-type: none"> • баҳолаш учун иш дафтارينинг 1 – вазифаси: консъерж

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Яқун: ўқувчилар билан озиқ-овқат ва ичимликлар хизмати кўникмаларини такрорланг. 	
5	<p>A1 Хизмат кўрсатишда турли соҳаларнинг вазифалари</p> <p>A2 Хизмат кўрсатишнинг турли кўникмалари</p> <p>A3 Хизмат кўрсатиш умумий кўникмалари</p> <p>Озиқ-овқат ва ичимликлар учун хизмат кўрсатиш кўникмаларини ўрганинг</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: меҳмондўстлик соҳасида хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларининг шарҳи. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар хизмат кўрсатиш соҳалари ва кўникмалари ҳақида саволлар беришлари мумкин. • Гуруҳдаги машқ: ўқувчиларга озиқ-овқат ва ичимликлар жойлари ва фойдаланадиган асбоб-ускуналар билан танишиш учун экскурсия тақдим этинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: озиқ-овқат ва ичимликлар хизмат кўрсатиш соҳаларининг мақсадини тушунтиринг. • Гуруҳларда ишлаш: ўқувчилар ушбу хизмат соҳаларининг вазифаларини муҳокама қиладилар. • Кичик гуруҳларда машқ: ўқувчилар ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган ишчи варақни тўлдириб, ходимларнинг озиқ-овқат ва ичимликлар билан ишлаши мумкин бўлган соҳаларни аниқлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ишчи варақнинг тўғри жавобларини бериб, гуруҳ билан қайта алоқа олиб бориш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдимоти • Ручкалар, флип-чарт қоғозлари • Қоғоз ва умумий канцелярия жиҳозлари • озиқ-овқат ва ичимликлар хизмат кўрсатиш жойлари • Ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган иш варақлари

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар озиқ-овқат ва ичимликларга хизмат қилиш учун зарур бўлган турли хил хизмат кўникмаларини муҳокама қилишади. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: озиқ-овқат ва ичимликлар учун зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш кўникмаларини тушунтиринг. • Кичик гуруҳларда машқ: хизмат кўрсатишнинг умумий кўникмаларига ўтиш жойини аниқлаб, ўқувчилар озиқ-овқат ва ичимликларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш кўникмаларини кўрсатадиган диаграмма яратишлари керак. • Яқун: ўқувчилар ўз диаграммаларини гуруҳнинг қолган қисмига тақдим этишлари керак. 	
6	<p>A1 Хизмат кўрсатишда турли соҳаларнинг вазибалари</p> <p>A2 Хизмат кўрсатишнинг турли кўникмалари</p> <p>A3 Хизмат кўрсатиш умумий кўникмалари</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: озиқ-овқат ва ичимликлар учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари ва кўникмаларини такрорлаш (ва умумий хизмат кўникмаларини). • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: озиқ-овқат ва ичимликларда зарур бўлган хизмат кўникмаларини тушуниш учун ўқувчилар билан савол-жавоб сессиясини ўтказиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтарининг 1 – вазибаси: озиқ-овқат ва ичимликлар учун хизмат кўрсатиш

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	А ўқитиш мақсади – баҳолаш учун иш дафтарининг 1 – вазифаси – озиқ-овқат ва ичимликлар учун хизмат кўрсатиш		<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигида машқ / муҳокама: баҳолаш учун иш дафтарининг 1 – вазифаси – озиқ-овқат ва ичимликлар учун хизмат кўрсатишни тарқатинг ва ўқувчилар тушунишини таъминланг. • Мустақил бажариш учун машқ: <ul style="list-style-type: none"> ○ ўқувчилар озиқ-овқат ва ичимликлар учун хизмат кўрсатиш варақларни тўлдиришади. ○ ўқувчилар баҳолаш учун ишни топширишади. • Яқун: ўқувчилар билан хоналарни тозалаш хизмати кўникмаларини такрорланг. 	
7	<p>A1 Хизмат кўрсатишда турли соҳаларнинг вазифалари</p> <p>A2 Хизмат кўрсатишнинг турли кўникмалари</p> <p>A3 Хизмат кўрсатиш умумий кўникмалари</p> <p>Хоналарни тозалаш учун хизмат кўрсатиш кўникмаларини ўрганинг</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: меҳмондўстлик соҳасида зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш соҳаларини такрорланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: хоналарни тозалаш учун ходимларнинг иш мақсадини тушунтиринг. • Синфдаги муҳокама: хоналарни тозалаш мақсадини хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида муҳокама қилинг. • Гуруҳдаги машқ: ўқувчиларга хоналарни тозалаш соҳаси ва фойдаланадиган асбоб-ускуналар билан танишиш учун экскурсия тақдим этинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи тақдироти • Ручкалар, флип-чарт қоғозлари • Қоғоз ва умумий канцелярия жиҳозлари • Стикерлар • Хоналарни тозалаш хизмат кўрсатиш жойлари

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Кичик гуруҳларда машқ: ўқувчилар ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган иш варақни тўлдириб, хоналарни тозалаш ходимлари ишлайдиган жойларни аниқлайди. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ишчи варақнинг тўғри жавобларини бериб, гуруҳ билан қайта алоқани олиб бориш. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар хоналарни тозалаш ходимлари учун зарур бўлган турли хил кўникмаларни муҳокама қилишади. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: хоналарни тозалаш ходимлари учун зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш кўникмаларни тушунтиринг. • Кичик гуруҳларда машқ: хизмат кўрсатишнинг умумий кўникмаларига ўтиш жойини аниқлаб, ўқувчилар хизмат кўрсатиш ходимлари учун зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш кўникмаларини кўрсатадиган диаграмма яратишлари керак. • Яқун: ўқувчилар ўз диаграммаларини гуруҳнинг қолган қисмига тақдим этишлари керак. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган иш варақлари

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	<p>A1 Хизмат кўрсатишда турли соҳаларнинг вазибалари</p> <p>A2 Хизмат кўрсатишнинг турли кўникмалари</p> <p>A3 Хизмат кўрсатишнинг умумий кўникмалари</p> <p>А ўқитиш мақсади – баҳолаш учун иш дафтарининг 1 – вазибаси – хоналарни тозалаш</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: хоналарни тозалаш учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари ва кўникмаларини такрорланг (ва умумий хизмат кўникмаларини). • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: хоналарни тозалашда зарур бўлган хизмат кўникмаларини тушуниш учун ўқувчилар билан савол-жавоб сессиясини ўтказинг. • Ўқитувчи бошчилигида машқ/муҳокама: баҳолаш учун иш дафтарининг 1-вазибаси – хоналарни тозалашни тарқатинг ва ўқувчилар тушунишини таъминланг. • Мустақил бажариш учун машқ: <ul style="list-style-type: none"> ○ ўқувчилар хоналарни тозалаш варақларни тўлдиришади. ○ ўқувчилар баҳолаш учун ишни топширишади. • Яқун: ўқувчиларни хизмат кўрсатишга тайёргарлик билан таништиринг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтарининг 1 – вазибаси: хоналарни тозалаш
9	<p>B1 Хизмат кўрсатишга талаблар</p> <p>B2 Хизмат кўрсатиш бўйича стандарт иш жараёнлари</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ресепшнда амалий тайёргарлик ва хизмат кўрсатишни бошлашдан олдин талаблар билан муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ресепшнда хизмат кўрсатиш талабларини тақдим этинг ва стандарт иш тартибларини муҳокама қилинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ресепшннинг амалий майдони • Ресепшн ҳужжатлари • Баҳолаш учун иш дафтарининг 2 – вазибаси: ресепшн

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	<p>ВЗ Самарали тайёргарлик кўриш кўникмаларини намойиш этиш</p> <p>Ресепшнда хизмат кўрсатишга тайёргарлик ва намойиш</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар хизмат кўрсатиш учун стандарт иш тартиб-қоидаларини ва ҳужжатларни тўлдиришда амалиёт ўташади. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ресепшнда хизматга қандай тайёргарлик кўришни намойиш этинг. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ресепшнда самарали тайёргарлик кўникмаларини амалда қўллашади. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ресепшннинг хизмат кўрсатиш кўникмалари амалиёти ҳақида мулоҳаза қолдиринг. • Гуруҳлардаги машқ: ўқувчилар ресепшн учун самарали хизмат кўрсатиш кўникмаларини намойиш этган ҳолда, рол ўйнаш ўйинини қўллашлари керак. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар 2 – вазифа – ресепшнни баҳолаш учун иш дафтарида бажаришлари керак. • Якун: ўқувчилар ишларини топширишади. Амалий баҳолашни такрорланг ва ўқувчиларга талаблар ҳақида саволлар беришга рухсат беринг. 	

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
10	<p>В2 Хизмат кўрсатиш бўйича стандарт иш жараёнлари</p> <p>В3 Самарали тайёргарлик кўриш кўникмаларини намойиш этиш</p> <p>С1 Самарали хизмат кўрсатиш кўникмаларини намоён қилиш</p> <p>Ресепшнда хизмат кўрсатишга тайёргарлик ва намойиш</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ресепшн учун хизмат кўрсатиш талабларини ва керакли хизмат кўрсатиш кўникмаларни такрорланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: баҳолаш машқларини тарқатинг. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар талаб этилаётган топшириқни тушунишларини аниқлайдилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтارينинг 3 – вазифасига мувофиқ майдонни тайёрлаш ва мижозларга хизмат кўрсатиш учун ресепшнда ишлашлари керак. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар стандарт иш тартиб-қоидаларига мувофиқ ресепшнда самарали иш кўникмаларини намойиш этаётганини кузатинг (кузатув ёзувларини бажаринг). Ўқувчилар тўлдирилган ҳужжатларни топширадилар. • Якун: ўқувчиларга қайта алоқани тақдим этинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Ресепшннинг амалий майдони • Ресепшн ҳужжатлари • Баҳолаш мезонлари • Баҳолаш учун иш дафтارينинг 3 – вазифаси: ресепшн • Кузатиш қайдлари
11	<p>С2 Шахсий самарадорлик тавсифи</p> <p>Қайта алоқа ва ўз шахсий самарадорлик тавсифи</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчилар томонидан ўзларининг ўзлаштиришларини баҳолаш мезонларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: аввалги дарсни такрорланг ва ўқувчилар билан фикр-мулоҳазаларни муҳокама қилинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тўлдирилган кузатув шакллари • Баҳолаш мезонлари • Баҳолаш учун иш дафтارينинг 3 – вазифаси: ресепшн

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар кузатув шакллари ва фикр-мулоҳазаларингизни тушунишлари ҳақида саволлар беришлари керак. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар келишилган стандартлар ва операцион тартиб – қоидаларга мувофиқ ишлашларини таҳлил қилиб, такомиллаштириш учун, кучли томон ва жиҳатларни аниқлаган ҳолда, баҳолаш учун иш дафтарининг 3 – вазифасини бажаришлари керак. • Якун: ўқувчилар ўзларининг таълим ва тушунчаларини текшириш учун саволлар беришлари керак. 	
12	<p>V1 Хизмат кўрсатишга талаблар</p> <p>V2 Хизмат кўрсатиш бўйича стандарт иш жараёнлари</p> <p>V3 Самарали тайёргарлик кўриш кўникмаларини намойиш этиш</p> <p>Консьержнинг хизмат кўрсатишга тайёргарлиги ва намойиши</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: консьержнинг амалий тайёргарлиги ва хизмат кўрсатишини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: консьержга хизмат кўрсатиш талабларини тақдим этинг ва стандарт иш тартибларини муҳокама қилинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар амалиётда стандарт иш тартиб-қоидаларига мувофиқ хизмат кўрсатиш соҳасидан ўтиш учун ҳужжатларни тўлдирадлар. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: консьерж хизматга қандай тайёрланишини намойиш этинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Консьержнинг амалий майдони • Консьерж ҳужжатлари • Баҳолаш учун иш дафтарининг 2 – вазифаси: консьерж

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар консъерж ишига тайёргарлик кўришнинг самарали кўникмаларини намойиш этиш орқали амалиёт ўтадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: консъерж учун хизмат кўрсатиш кўникмалар амалиёти ҳақида мулоҳаза юритинг. • Гуруҳлардаги машқ: ўқувчилар консъерж учун самарали хизмат кўрсатиш кўникмаларини намойиш этиш орқали рол ўйнаш ўйинини ўтказадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтаридаги 2-вазифа – консъержни бажарадилар. • Якун: ўқувчилар ишларини топширишади. Амалий баҳолашни такрорланг ва ўқувчиларга талаблар ҳақида саволлар беришга рухсат беринг. 	
13	<p>B2 Хизмат кўрсатиш бўйича стандарт иш жараёнлари</p> <p>B3 Самарали тайёргарлик кўриш кўникмаларини намойиш этиш</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: консъерж учун хизмат кўрсатиш талабларини ва керакли хизмат кўрсатиш кўникмаларни такрорланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: баҳолаш машқларини тарқатинг. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар талаб этилаётган топшириқни тушунишларини аниқлайдилар. 	<ul style="list-style-type: none"> • Консъержнинг амалий майдони • Консъерж ҳужжатлари • Баҳолаш мезонлари • Баҳолаш учун иш дафтارينинг 3 – вазифаси: ресепшн

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	<p>С1 Самарали хизмат кўрсатиш кўникмаларини намоён қилиш</p> <p>Консьержнинг хизмат кўрсатишга тайёргарлиги ва намоёйиши</p>		<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтарилинг 3 – вазифасига мувофиқ майдонни тайёрлаш ва мижозларга хизмат кўрсатиш учун консьержда ишлашлари керак. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар стандарт иш тартиб-қоидаларига мувофиқ самарали иш кўникмаларини намоёйиш этаётганини кузатинг (кузатув ёзувларини бажаринг). Ўқувчилар тўлдирилган ҳужжатларни топширадилар. • Якун: ўқувчиларга қайта алоқани тақдим этинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Кузатиш қайдлари
14	<p>С2 Шахсий самарадорлик тавсифи</p> <p>Қайта алоқа ва ўз шахсий самарадорлик тавсифи</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчилар томонидан ўз ўзлаштиришларини баҳолаш мезонларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: аввалги дарсни такрорланг ва ўқувчилар билан фикр-мулоҳазаларни муҳокама қилинг. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар кузатув шакллари ва фикр-мулоҳазаларингизни тушунишлари ҳақида саволлар беришлари керак. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тўлдирилган кузатув шакллари • Баҳолаш мезонлари • Баҳолаш учун иш дафтарилинг 3 – вазифаси: консьерж

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўзларининг самарадорлигини келишилган стандартлар ва операцион тартиб – қоидаларга мувофиқ ишлаш орқали таҳлил қилишлари керак, такомиллаштириш учун кучли томон ва жиҳатларни аниқлашлари керак – баҳолаш учун ишчи дафтарининг 3 – вазифаси. Ўқувчилар ўзларининг якуний баҳоларини топширадилар. • Якун: ўқувчилар ўзларининг таълим ва тушунчаларини текшириш учун саволлар беришлари керак. 	
15	<p>V1 Хизмат кўрсатишга талаблар</p> <p>V2 Хизмат кўрсатиш бўйича стандарт иш жараёнлари</p> <p>V3 Самарали тайёргарлик кўриш кўникмаларини намойиш этиш</p> <p>Озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасида хизмат кўрсатишга тайёргарлик ва намойиш</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: озиқ-овқат ва ичимликларнинг амалий тайёргарлиги ва хизмат кўрсатишини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: озиқ-овқат ва ичимликларга хизмат кўрсатиш талабларини тақдим этинг ва стандарт иш тартибларини муҳокама қилинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар амалиётда стандарт иш тартиб-қоидалари ва хизмат кўрсатиш учун ҳужжатларни тўлдирадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасида хизматга қандай тайёрланишни намойиш этинг. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар озиқ-овқат ва ичимликлар тайёрлашнинг самарали кўникмаларини намойиш этиш орқали амалиёт ўтадилар. 	<ul style="list-style-type: none"> • Озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасининг амалий майдони • Озиқ-овқат ва ичимликларга ҳужжатлар • Баҳолаш учун иш дафтарининг 2 – вазифаси: Озиқ-овқат ва ичимликларга хизмат кўрсатиш

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: озиқ-овқат ва ичимликлар учун хизмат кўрсатиш кўникмалар амалиёти ҳақида мулоҳаза юритинг. • Гуруҳлардаги машқ: ўқувчилар озиқ-овқат ва ичимликлар учун самарали хизмат кўрсатиш кўникмаларини намойиш этиш орқали рол ўйнаш ўйинини ўтказадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтаридаги 2 – вазифа – озиқ-овқат ва ичимликларни бажарадилар. • Якун: ўқувчилар ишларини топширишади. Амалий баҳолашни такрорланг ва ўқувчиларга талаблар ҳақида саволлар беришга рухсат беринг. 	
16	<p>В2 Хизмат кўрсатиш бўйича стандарт иш жараёнлари</p> <p>В3 Самарали тайёргарлик кўриш кўникмаларини намойиш этиш</p> <p>С1 Хизмат кўрсатишнинг самарали кўникмаларини намоев қилиш</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: озиқ-овқат ва ичимликлар учун хизмат кўрсатиш талабларини ва керакли хизмат кўрсатиш кўникмаларни такрорланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: баҳолаш машқларини тарқатинг. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар талаб этилаётган топшириқни тушунишларини аниқлайдилар. 	<ul style="list-style-type: none"> • Озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасининг амалий майдони • Озиқ-овқат ва ичимликларга ҳужжатлар • Баҳолаш мезонлари

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	Озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасида хизмат кўрсатишга тайёргарлик ва намойиш		<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтарилинг 3 – вазифасига мувофиқ майдонни тайёрлаш ва мижозларга хизмат кўрсатиш учун озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасида ишлашлари керак. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар стандарт иш тартиб-қоидаларига мувофиқ самарали иш кўникмаларини озиқ-овқат ва ичимликларда намойиш этаётганини кузатинг (кузатув ёзувларини бажаринг). Ўқувчилар тўлдирилган ҳужжатларни топширадилар. • Якун: ўқувчиларга қайта алоқани тақдим этинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтарилинг 3 – вазифаси: Озиқ-овқат ва ичимликлар • Кузатиш қайдлари
17	С2 Шахсий самарадорлик тавсифи Қайта алоқа ва ўз шахсий самарадорлик тавсифи	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчилар томонидан ўзларини ўзлаштиришларини баҳолаш мезонларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: аввалги дарсни такрорланг ва ўқувчилар билан фикр-мулоҳазаларни муҳокама қилинг. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар кузатув шакллари ва фикр-мулоҳазаларингизни тушунишлари ҳақида саволлар беришлари керак. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тўлдирилган кузатув шакллари • Баҳолаш мезонлари • Баҳолаш учун иш дафтарилинг 3 – вазифаси: озиқ-овқат ва ичимликлар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўзларининг самарадорлигини озиқ-овқат ва ичимликлар соҳасида келишилган стандартлар ва операцион тартиб – қоидаларга мувофиқ ишлаш орқали таҳлил қилишлари керак, такомиллаштириш учун кучли томон ва жиҳатларни аниқлашлари керак – баҳолаш учун иш дафтарининг 3 – вазифаси. Ўқувчилар ўзларининг якуний баҳоларини топширадилар. • Яқун: ўқувчилар ўзларининг таълим ва тушунчаларини текшириш учун саволлар беришлари керак. 	
18	<p>В1 Хизмат кўрсатишга талаблар</p> <p>В2 Хизмат кўрсатиш бўйича стандарт иш жараёнлари</p> <p>В3 Самарали тайёргарлик кўриш кўникмаларини намойиш этиш</p> <p>Хоналарни тозалашда хизмат кўрсатишга тайёргарлик</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: хоналар тозалашнинг амалий тайёргарлиги ва хизмат кўрсатишини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: хоналарни тозалаш соҳасига хизмат кўрсатиш талабларини тақдим этинг ва стандарт иш тартибларини муҳокама қилинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар амалиётда стандарт иш тартиб-қоидалари ва хизмат кўрсатиш учун ҳужжатларни тўлдирадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: хоналарни тозалаш соҳасидаги хизматга қандай тайёрланишни намойиш этинг. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар хоналарни тозалашга тайёргарлик кўришнинг самарали кўникмаларини намойиш этиш орқали амалиёт ўтадилар. 	<ul style="list-style-type: none"> • Хоналар тозалашнинг амалий майдони • Хоналар тозалаш бўйича ҳужжатлар • Баҳолаш учун иш дафтарининг 2 – вазифаси: хоналарни тозалаш

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: хоналарни тозалаш учун хизмат кўрсатиш кўникмалар амалиёти ҳақида мулоҳаза юритинг. • Гуруҳлардаги машқ: ўқувчилар хоналарни тозалаш учун самарали хизмат кўрсатиш кўникмаларини намойиш этиш орқали рол ўйнаш ўйинини ўтказадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтаридаги 2 – вазифа – хоналарни тозалашни бажарадилар. • Якун: ўқувчилар ишларини топширишади. Амалий баҳолашни такрорланг ва ўқувчиларга талаблар ҳақида саволлар беришга рухсат беринг. 	

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
19	<p>В2 Хизмат кўрсатиш бўйича стандарт иш жараёнлари</p> <p>В3 Самарали тайёргарлик кўриш кўникмаларини намойиш этиш</p> <p>С1 Самарали хизмат кўрсатиш кўникмаларини намоён қилиш</p> <p>Хоналарни тозалашда хизмат кўрсатишга тайёргарлик ва намойиш</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: уй ишларини олиб бориш учун хизмат кўрсатиш талабларини ва керакли хизмат кўрсатиш кўникмаларни такрорланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: баҳолаш машқларини тарқатинг. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар талаб этилаётган топшириқни тушунишларини аниқлайдилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтارينинг 3-вазифасига мувофиқ майдонни тайёрлаш ва мижозларга хизмат кўрсатиш учун хоналарни тозалаш соҳасида ишлашлари керак. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар стандарт иш тартиб-қоидаларига мувофиқ самарали иш кўникмаларини хоналарни тозалашда намойиш этаётганини кузатинг (кузатув ёзувларини бажаринг). Ўқувчилар тўлдирилган ҳужжатларни топширадилар. • Якун: ўқувчиларга қайта алоқани тақдим этинг. 	<ul style="list-style-type: none"> • Хоналарни тозалашнинг амалий майдони • Хоналарни тозалаш бўйича ҳужжатлар • Баҳолаш мезонлари • Баҳолаш учун иш дафтارينинг 3 – вазифаси: Хоналарни тозалаш

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
20	<p>C2 Шахсий самарадорлик тавсифи</p> <p>Қайта алоқа ва ўз шахсий самарадорлик тавсифи</p>	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчилар томонидан ўзларининг ўзлаштиришларини баҳолаш мезонларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: аввалги дарсни такрорланг ва ўқувчилар билан фикр-мулоҳазаларни муҳокама қилинг. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар кузатув шакллари ва фикр-мулоҳазаларингизни тушунишлари ҳақида саволлар беришлари керак. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўзларининг самарадорлигини хоналарни тозалашда келишилган стандартлар ва операцион тартиб – қоидаларга мувофиқ ишлаш орқали таҳлил қилишлари керак, такомиллаштириш учун кучли томон ва жиҳатларни аниқлашлари керак – баҳолаш учун иш дафтарининг 3 – вазифаси. Ўқувчилар ўзларининг якуний баҳоларини топширадилар. • Яқун: ўқувчилар ўзларининг таълим ва тушунчаларини текшириш учун саволлар беришлари керак. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тўлдирилган кузатув шакллари • Баҳолаш мезонлари • Баҳолаш учун иш дафтарининг 3 – вазифаси: хоналарни тозалаш

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3–даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
Модул	5-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари
Дарс рақами	1

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни модулнинг мазмуни билан таништириш. • Ўқувчиларни умумий хизмат кўрсатиш кўникмалари билан таништириш. • Ўқувчиларни меҳмондўстлик соҳасида хизмат кўрсатишнинг турли соҳалари билан таништириш: <ul style="list-style-type: none"> ○ ресепшн; ○ консърж; ○ озиқ-овқат ва ичимликлар хизмати; ○ хоналарни тозалаш. • Ўқувчиларни ушбу соҳаларда зарур бўлган турли хил хизмат кўникмалари билан таништириш. • Ўқувчиларни оқилона баҳолаш билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модул спецификацияси • Баҳолаш учун иш дафтарлари • Ручкалар, флип-чарт қоғозлар, стикерлар • Таклиф этилган спикер
Калитлар: МР: Машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: Тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Бошланғич машқ (30 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: модул қандай баҳоланишини тушунтириб, ўқувчиларни модул билан таништиринг. Ўқувчиларга баҳолаш учун иш дафтарини кўрсатинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: модул билан қамраб олинган хизмат кўрсатиш кўникмасининг асосий тўртта соҳасини тушунтиринг: ресепшн, консърж, озиқ-овқат ва ичимликлар ва хоналарни тозалаш.
<p>Асосий машқ (120 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Синфдаги муҳокама: Ўқувчилар меҳмондўстлик соҳасида умумий хизмат кўрсатиш қобилиятлари ҳақида нима деб ўйлашларини аниқлашади. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: ўқитувчининг меҳмондўстликда талаб қилинадиган асосий умумий хизмат кўникмалари ҳақида тақдимоти. Тақдимот мижозларга хизмат кўрсатиш қуйидаги кўникмаларини ўз ичига олиши керак: <ul style="list-style-type: none"> ○ мижозни биринчи ўринга қўйиш; ○ қарорларни қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун вақт ажратиш; ○ мижознинг ўзини қулай ҳис қилишига ишонч ҳосил қилинг; ○ мижоз ўзининг муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиши; ○ мижоз қайтиб келишини хоҳлашига ишонч ҳосил қилиш. • Жуфликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар модул билан қамраб олинган тўртта асосий хизмат кўрсатиш соҳасида зарур бўлган турли хил хизмат кўрсатиш кўникмаларни таклиф қилишлари керак. Ўқувчилар ўз жавобларини стикерларга ёзишлари ва уларни таълим соҳасидаги деворларга қўйишлари керак. • Синф машқлари: Ўқувчилар ўзлари жалб қилинган хизмат кўрсатиш кўникмалари ва соҳаларини муҳокама қилишади.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи/таклиф этилган спикер бошчилигидаги машқ: профессионал хизмат кўрсатиш кўникмалари ва модул билан қамраб олинган тўртта асосий хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаш учун зарур бўлган стандарт операцион процедуралар ҳақида маълумот бериш. Такдимот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: <ul style="list-style-type: none"> ○ ресепшн: <ul style="list-style-type: none"> ▪ бронлашни яқунлаш ▪ турар-жой сотуви ▪ меҳмонларни рўйхатга олиш ▪ рўйхатга олиш ▪ меҳмонларни ҳисобга олиш ▪ меҳмонхонадан чиқариш ▪ маъмурият ▪ қўнғироқларга жавоб бериш ▪ хавфсизлик ▪ миждозлар билан юзма-юз ишлаш ва ахборот билан таъминлаш ▪ сменани топшириш ○ консърж: <ul style="list-style-type: none"> ▪ меҳмонхонага келган меҳмонларни қабул қилиш ▪ ахборот ёки маслаҳатга муҳтож бўлган меҳмонлар учун бошланғич нуқта сифатида хизмат қилиш ▪ меҳмонларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва барча махсус истакларни бажариш учун ходимлар билан яқин ҳамкорлик қилиш

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
